ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2025/ № 2.1-2

Termiz – 2025

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.05.2025
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:
Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Murodqosim Abdiyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Qurbonazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Omonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sherzod Turdiqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Humayun Nadim Muhammad, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Dilrabo Ergasheva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.05.2025
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)
Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)
Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)
Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)
Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)
Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)
Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)
Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Мурадкасим Абдиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)
Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)
Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)
Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)
Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)
Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шаира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Шерзад Турдикулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Хумаюн Надим Мухаммад, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)
Дильрабо Эргашева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.05.2025
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muradkasim Abdiyev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Omonturdiyeva, PhD (Uzbekistan)
Sherzod Turdikulov, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)
Humayun Nadim Muhammad, PhD (Uzbekistan)
Dilrabo Ergashova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

KURBANOVA MUHABBAT MATYAKUBOVNA,
SARBAROVA DILNOZA NOSIRJON QIZI
Deyksis va anafora tushunchalari: o‘xshash va farqliliklar 7

JUMANYAZOVA MUHABBAT XUSINOVNA
Xorazm vohasi folklori tilidagi muarrablar 10

KURBANAZAROVA NARGIS SHODIYEVNA
Qo‘ng‘irot etnonimining fonetik-fonologik
variantlarida semantik tafovut 13

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
O‘zbek adabiy tilida paremiyalarga xos xususiyatlar 18

O‘RAZOVA IQBOL ABDIKARIMOVNA
«Ko‘ngil» leksemasi va uning «tafakkur»
sememasidan shakllangan frazemalar tahlili 22

XOLOVA MUYASSAR ABDULHAKIMOVNA,
BOZOROVA ELINOR,
XOLIQULOVA ZARNIGOR
Alisher Navoiy korpusi tadqiqiga doir ayrim qaydlar 26

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
Individuallik – yozuvchi lisoniy shaxsini belgilashda muhim ko‘rsatkich
(J.Jovliyev asarlari misolida) 29

MUKUMOV MAKHMUD KHUDAYBERDIEVICH
Discourse and the formation of scientific meaning 32

IBODULLAYEVA KUNDUZ RUSTAM QIZI
Ilmiy diskursda janrlar masalasi va uning xususiyatlari 36

YADIGAROVA SITORA BAXRAMOVNA
Ingliz va o‘zbek tillaridagi kiyim va mato komponentli frazeologik
billiklarning konnotativ va denotativ ma’nolari 41

МИРЗАЕВА ШАХЛО РИЗАЕВНА,
РУЗИЕВА МУШТАРИ ХУСНИДДИН КИЗИ
Отличие синонимов от многозначных
слов в русском и узбкском языках 43

ХАЙДАРОВА ГУЛБАХОР ЮЛДАШЕВНА
Трансформация глагольной основы в прилагательное
с помощью суффиксов 47

ВАПАЕВА АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА
Компонентный анализ активно употребляемых
единиц современной русской и узбекской лексики 51

ЙУЛДОШЕВА САОДАТЖОН ШУХРАТ КИЗИ
Формы обращения и речевого этикета в русскоязычных
и узбекоязычных онлайн-коммуникациях 55

МУНДАРИЖА

SOBIROVA GULSHANA FAXRIDDINOVNA
O‘zbek tili haqoratli so‘zlar izohli lug‘atini tuzish tamoyillari 61

YULBARSOV OCHILBEK OBIDJON O‘G‘LI
Neologizmlarning korpus tahlili yordamida tadqiq etilishi va
ularning konkordanslari asosida ma’lumotlar
bazasini shakllantirish tamoyillari 66

OQILA ABDULLAYEVA XOLMO‘MINOVNA
Turkiy tilshunoslikda dependency parsingga oid tadqiqotlar 72

HILOLAXON SHUHRATXON QIZI PO‘LATXONOVA
Neurolinguistic analysis of public speeches
on persuasive strategies in political rhetoric..... 78

TO‘YCHIYEVA ZULAYXO HAMROQO‘LOVNA
O‘zbek antroponimikasida ism tanlash masalalari..... 81

ADABIYOTSHUNOSLIK

УМУРЗОҚОВ БАҲРИДДИН САФАРОВИЧ
Алий Сафий Ҳиравий қаламига мансуб янги топилмалар 84

XALILOVA SHOHISTA MUHAMMADI QIZI
Rey Bredberining asarlari va o‘zbek adabiyotida
anti-utopik mavzularning qiyosiy tahlili 89

ABDIVALIYEV OBITJON ODILJONOVICH
Abdulla Qahhorning «Boshsiz odam»
hikoyasida huquqsiz ayol timsoli 92

QARAQULOV AZIZBEK
Inson va tabiat muammosining o‘rganilishi..... 94

TA’LIM

SHAMSIDDINOVA DILAFUZ FAXRIDDINOVA
The efficacy of contextual learning through extensive reading
and listening in enhancing esl speaking vocabulary 99

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2025; 3-4
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

АЛИЙ САФИЙ ҲИРАВИЙ ҚАЛАМИГА МАНСУБ ЯНГИ ТОПИЛМАЛАР

Умурзоқов Баҳриддин Сафарович,
Янги Аср университети
мумтоз шарқ филологияси кафедраси профессори,
филология фанлари доктори (DSc)

Аждодларимизнинг дунёқараши, маънавий-эстетик олами ёзма адабий манбаларда ўзининг ёрқин, гўзал ифодасини топган бўлиб, улар соғлом эътиқодли комил инсонни тарбиялашдек муҳим ва ғоят масъулиятли ишда энг таъсирчан ва самарали воситалардан бири ҳисобланади.

Қадимий қўлёзма меросимиз дурдоналарини ҳар томонлама янада чуқурроқ ўрганишга Янги Ўзбекистон шароитида давлат сиёсати даражасида жиддий аҳамият берилмоқда. Шу боисдан кўҳна маданий меросимизни, узоқ ўтмишга бориб тақаладиган миллий тарихимизни ва шу жумладан, ўтмишда яшаб самарали ижод қилган мintақамиз ижодкорлари ёзма адабий меросларини ҳам номигагина эмас, балки ҳар тарафлама чуқур тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири бўлмоқда.

Ўтмишда яшаб, ўзидан баракали илмий ва адабий мерос қолдирган нодир шахсиятлардан бири Фахруддин Алий Сафий бин Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1533)дир. Адиб, олим ва шоир сифатида ижод қилган ушбу инсоннинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли [1].

Фахруддин Алий Сафий асарларида аждодларимиз илмий мероси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари юксак мазмунда ўз ифодасини топган.

Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий ва унинг илмий-адабий мероси. XV–XVI аср мобайнида Ҳиротда яшаб, ижод этган шоир, етук маноқибнавис, Мавлоно Фахруддин Алий Сафий Кошифий Ҳиравий, ҳақиқатан, ўз даврида Ҳирот илмий-адабий муҳитининг етук алломаларидан, мумтоз адабиёт вакилларидан бири ҳисобланади. У ўзига хос ижодий фаолияти ва илмий-адабий мероси билан ўз даври тасаввуф адабиётига муносиб ҳисса қўшган буюк ижодкордир.

Фахруддин Алий Сафий «Сафий» тахаллуси билан шеърлар ёзган. Унинг манзума қасидалари, шеърий достонлари, шунингдек, «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар») асарида юзга яқин рубоий, маснавийлари мавжуд.

Қуйидаги асарлар Алий Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: «Рашаҳот айну-л-ҳаёт» («Ҳаёт булоғидан томчилар»), «Латойифу-т-тавойиф» («Ажойиб лутф сўзлар»), «Анису-л-орифин» («Ориф зотларнинг ҳамроҳи»), «Ҳирзу-л-амон мин фитани-л-замон» («Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари»), «Фараснома-и Сафий» («Сафийнинг от ҳақидаги достони»), «Одобу-л-асҳоб» («Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби»), «Лавоиҳу-л-қамар» («Ойнинг кўринишлари»), «Манзума-и Маҳмуд-у Айоз» («Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий достон»), «Асрор-и Қосимий» [2].

Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Алий Сафийнинг яна бир асари, яъни «Луғат-и Алий Сафий» («Алий Сафийнинг сўзлиги») ҳақида ахборот берган [2, 12].

ЎзР ФА ШИ фондида «Луғат-и Алий Сафий» асари мавжуд эмас. Мазкур «Луғат-и Алий Сафий» қўлёзмаси Тожикистон ФА Шарқ қўлёзмалари фондида сақланади.

Алий Сафий ижодига оид янги топилмалар. Маълумки, машҳур ижодкорлар қаламига мансуб янги асарларнинг топилиши, аниқланиши илмда янгилик, ижодкор мероси борасида кашфиёт ҳисобланади. Яқинда Алий Сафийнинг шу кунга қадар номаълум бўлиб келган яна иккита янги асари қўлёзмасини ва бир ғазалини аниқлашга

[1] Алий Сафий. «Одоб ул-асҳоб»дан. – Б. 89–103 // Аждодларимиз маънавий меросидан. Масъул муҳаррир О.Бўриев. – Toshkent: Фан, 2014.

[2] http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet.

لطائف الطوائف تألیف:مولانا فخرالدین علی صفی (متوفّی بسال ۹۳۹)

با مقّدمه و تصحیح و تحشیه و تراجم اعلام بسعی و إهتمام احمد کلچین معانی از انتشارات اقبال تهران، آذرماه ۶۳۳۱، ٤٢٤ ص، فهرست لطائف الطوائف: صص-٢٦٤ ــ ٥٢٣

муваффақ бўлдик.

Бу қўлёзмалардан бири ижодкорнинг «Шарҳ-и Маснавий-и маънавий» асаридир. Мазкур асарнинг ягона қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ фондида сақланади.

Иккинчи қўлёзма эса «Туҳфа-и Хоний» номли асар бўлиб, бу асарнинг ҳам ягона қўлёзмаси ЎзР ФА ШИ асосий фондида сақланмоқда.

Ҳар икки асар форс тилида ёзилган.

1. *«Туҳфа-и Хоний. ал-Кошифий» («Хонийга туҳфа. Кошифий»).* Алий Сафий қаламига мансуб муҳим топилма تحفهء خانی الکاشفی –»Туҳфа-и Хоний. ал-Кошифий» («Хонийга туҳфа. Кошифий») номли асар қўлёзмаси бўлиб, бу асарнинг ягона қўлёзма нусхаси ЎзР ФА ШИ Проф. Ҳ.Сулаймонов фондида 2621/II. инв рақам билан сақланади. Мазкур қўлёзмани «муҳим топилма» деяпмиз, сабаби бугунгача кошифийшунослар томонидан мазкур асар ижодкор илмий мероси ҳақида ёзилган илмий мақолаларда ва илмий нашрларда умуман тилга олинмаган ва ўрганилмаган.

«Каталог фонда института рукописей» («Қўлёзмалар институти фонди фиҳристи»)да бу асар номи «Подарок хану» (تحفهٔ الخانی) деб қайд этилган.[1] Эътибор қилинса, асар номининг таржимасида, яъни «Подарок хану»да таржима мукаммал эмас: «Хонга туҳфа» эмас, балки «Хонийга туҳфа» бўлиши лозим эди. Чунки, асар номидаги «ал-Хоний» (الخانی) калимасида «йо-и нисба» мавжуд. Бу эса асарнинг маълум бир шахс, яъни ўз даврининг султонига ёзиб туҳфа қилинганига далолат қилади. Зеро, ушбу асар муқаддимасида Алий Сафий асарни Муҳаммад Султон Хонийга бағишлаб ёзганини ва унга туҳфа қилгани ҳақида аниқ маълумот берган.

Асар муқаддимасида муаллиф «Алий ибн Муҳсин ал-Воиз ал-Кошифий ал-муштаҳар бис-Сафий» (علي بن محسن الواعظ الكاشفی المشتهر بالصفی) экани ҳақида аниқ маълумот-қайд мавжуд.

«Алий ибн Муҳсин» (Муҳсиннинг ўғли Алий) ёзилган, котиб ижодкорнинг отасининг исмини ёзишда хатога йўл қўйган. Зеро, Воиз Кошифийнинг номи «Ҳусайн»дир. Кошифийшуносликда Воиз Кошифийнинг «Муҳсин» номи билан аталганига доир маълумот мавжуд эмас.

Алий Сафийнинг «Туҳфа-и Хоний. Кошифий» асари муқаддимасидаги баёнига кўра, Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий вафотидан бироз олдин, яъни ҳижр. 910 сана (1504 й.)да «Асрор-и Қосимий» (اسرار قاسمی) номли асарини ёзиб тугатган. Ушбу асарнинг автограф нусхаси оққа кўчирилмасдан унинг ўғли Алий Сафий қўлида бўлган. У отаси вафотидан кейин «Асрор-и Қосимий»дан таъсирланган ҳолда ва ҳатто бу асарнинг давоми сифатида янги бир асар ёзган ва унга «Туҳфа-и Хоний» деб ном қўйган. Кейинчалик «Асрор-и Қосимий» ва «Туҳфа-и Хоний. Кошифий» битта китоб ичида кетма-кет китобат қилинган.

«Туҳфа-и Хоний. Кошифий» асари қуйидагича бошланган [5, 109 а]:

تحفه الکاشفی خانی

بسم الله الرحمن الرحیم

الحمد لولیه و الصلوة و السلام علی نبیه و صحبه اما بعد جنین کوید فقیر بی بضاعت و حقیر خالی از استطاعت علي ابن محسن الواعظ الكاشفی المشتهر بالصفی أیده الله باللطف الخفی که خذمت والدی که مرحومی مغفوری علیه الرحمه و الرضوان و الغفران با التماس یکی از احبّا و سیادات و نقباء صاحب سعادات رسالهء تصنیف کرده اند و نسخهء تالیف نموده اند مسمی باسرار قاسمی ---

Таржимаси: «*Туҳфа-и Хоний. Ал-Кошифий. Меҳрибон, раҳмли Аллоҳ номи билан!*

Барча ҳамд, яъни мақтовлар, санолар, шукрлар ҳамднинг Эгаси Аллоҳ учундир! Салот-у салом (Илоҳий раҳматлар ва саломлар) Унинг Пайғамбарига, ул Зотнинг саҳоба(суҳбатдош) ларига бўлсин!

Шундан сўнг: Шундоқ айтур ожиз-у заиф фақир, тоат-ибодатдан холи ҳақир банда – Алий ибн Муҳсин ал-Воиз ал-Кошифий - «Сафий» номи ила танилган – Аллоҳ таъолони уни ўзининг яширин лутфи ила шарафлантирсин!, Падари бузрукворим марҳум мағфур – ул зотга Аллоҳнинг раҳматлари, мағфиратлари ёр бўлган бўлсин! – кўнгилга яқин,муҳтарам зотларнинг илтимоси билан бир Рисола битган ва унга «Асрор-и Қосимий»(«Қосимийнинг сирлари») дея ном қўйган эдилар. ...»

Асарнинг охири қуйидагича тамомланган:

عمل سیوم --- وی معروف است و قدری آرو باقلی باشه نرخمیر کرده و تا دام ماهی را با خمیر بالابد جمله ماهیان بر کرد دام جمع شوند بدام درایند والله اعلم بالصواب

Таржимаси: «*Учинчи амал----У билинган, маълум нарса бўлиб, унинг қадри боқулийда шул миқдордадир... Тўғрисини Аллоҳ таъоло билгувчидир*!»

Мазкур қўлёзманинг колофонида қуйидаги битик бор [2]:

تمام شد رسالهء تحفهٔ الخانی باذن الملك الوهاب ،

[1] Қаранг: КАТАЛОГ фонда института рукописей. II Том. – Т.: изд. Института рукопис. Им.Х.С.Сулейманова АН УзССР, 1988. – С.118.

[2] ЎзР ФА ШИ. Ҳ.Сулаймонов фонди, «Туҳфа-и Хоний. ал-Кошифий». Қўлёзма № 2621/II.

كاتبه الراجى محمد بخارى هجرى والله اعلم بالصواب

(Таржимаси: «*Туҳфату-л-Хоний» рисоласи ал-Малик (Подшоҳ), ал-Ваҳҳоб (Бандаларига кўп-кўп неъматлар ҳадя қилгувчи Аллоҳ таъоло) нинг изни ила ниҳоясига етди. Котиби: ар-Рожий Муҳаммад Бухорий Ҳижрийдир. Тўғрисини билувчи Аллоҳ таъолодир!*)

«Каталог фонда института рукописей» («Қўлёзмалар институти фонди фиҳристи»)да «асар номи «Подарок хану» (تحفة الخانى) ва у 20 бобдан иборатдир», дея қайд этилган .[1]

Аммо асарни синчиклаб ўрганишимиз натижасида асарнинг номи «Туҳфа-и Хоний. Кошифий» (الكاشفى خانى تحفهء) экани, ушбу асар *икки Мақсад* (Катта фасл), жами 22 боб (биринчи мақсад - 10 боб, иккинчи мақсад - ўн икки боб) ва *кичик Хотима*дан иборат экани маълум бўлди.

«Туҳфа-и Хоний. Кошифий» асарининг фасллари ва бобларининг номлари қуйидагича:

«Мақсад-и аввал: Дар улум-и ғариба, яъни ғаройиб билимлар ҳақида (در علوم غريبه).

Биринчи боб: ар Номус-и акбар, яъни «Номус-и акбар» ҳақида (در ناموس اكبر).

Иккинчи боб: Дар Номус-и акбар, яъни «Номус-и акбар» малҳам-ёғи ҳақида (دربيان ناموس اكبر).

Учинчи боб: Дар Номус-и асғар, яъни «Номус-и асғар» ҳақида (در بيان ناموس اصغر).

Тўртинчи боб: Дар Номус-и асғар, яъни «Номус-и асғар» малҳам-ёғи ҳақида (در بيان ناموس اصغر).

Бешинчи боб: Дар Номус-и таъом, яъни «Номус-и таъом» ҳақида (در ناموس طعام).

Олтинчи боб: Дар Номус-и шароб, яъни «Номус-и шароб» ҳақида (در ناموس شراب).

Еттинчи боб: Дар Номус-и сипеҳр, яъни «Номус-и сипеҳр» ҳақида (در ناموس سبهر).

Саккинчи боб: Дар такаллум-и нойим, яъни Уйқудаги кимсанинг гапириши ҳақида (در تكلم نايم).

Тўққизинчи боб: Дар ихрож-и дафойин, яъни Хазиналарни чиқариб олиш ҳақида (در اخراج دفاين).

Ўнинчи боб: Дар тасхир-и сибоъ, яъни Ваҳший, ёввойи жониворларни буйсундириш ҳақида (در تسخير سباع).

Ўн биринчи боб: Дар зуръат-ус-соъаҳ, яъни Қиёмат ҳақида (در زرعة الساعة).

Ўн иккинчи боб: Дар иртиҳол (در ارتحال), яъни охиратга кўчиш ҳақида.

Мақсад-и дуввум: Дар чийзҳо-и ғариба (در جيزهاء غريبه), яъни ғаройиб ва ажойиб нарсалар ҳақида.

Биринчи боб: Дар зикр-и баъз-и аъмол-и риймйо (در ذكر بعض اعمال ريميا), риймйо зикрида.

Иккинчи боб: Дар ажойиб-и фатила (در عجايب فتيله), яъни пиликнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

учинчи боб: Дар ажойиб-и шамҳо (در عجايب شمها), яъни шамларнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

тўртинчи боб: Дар ажойиб-и чироғҳо (جراغها در عجايب),яъни чироғнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

бешинчи боб: Дар ажойиб-и шийфҳо (در عجايب شيفها), яъни шифларнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

олтинчи боб: Дар ажойиб-и шамолҳо (در عجايب شمالها), яъни шамолларнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

еттинчи боб: Дар ажойиб-и қадаҳҳо (در عجايب قدحها), яъни қадаҳларнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

саккинчи боб: Дар ажойиб-и бийзҳо (در عجايب بيضها), яъни тухумларнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

тўққизинчи боб: Дар малоҳат-и ал-нор (در ملاحت النار), яъни анорнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

Ўнинчи боб: Дар малоҳат-и ал-моъ (در ملاحت الماء), яъни сувнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

Ўн биринчи боб: Дар ажойиб-и китобат (در عجايب كتابت), яъни ёзувнинг ажиб хосиятлари ҳақида.

Ўн иккинчи боб: Дар ҳийлаҳойи сойд-и мурғон, (در حيلهای صيد مرغان), яъни қушларни қандай алдаб овламоқ, тўрга туширмоқ тадбирлари ҳақида.

Хотима».

Ҳар бобда муаллиф турли ашё, уларнинг хосиятлари, фойда ва зарарлари, улардан қандай малҳам тайёрлаш ҳамда улардан қандай фойлаланиш ҳақида сўз юритган.

Китобда «Туҳфа-и Хоний. Кошифий» асари «Асрор-и Қосимий» асаридан кейин қўқон қоғозига оддий настаълиқ хатида сана 1253/1837 й.да китобат қилинган. Қўлёзма колофонидаги қайдга кўра, котиби – ар-Рожий Муҳаммад Бухорий Ҳи-

[1] КАТАЛОГ фонда института рукописей. II Том. –Т.: изд. Института рукопис. Им.Х.С.Сулейманова АН УзССР, 1988. – С.118.

жрий (الراجی محمد بخاری هجری) ҳисобланади.

«Туҳфа-и Хоний. Кошифий» жами 18 варақ (109 а – 127 б)дан иборат. Қўлёзма ўлчови 25х16 см ни ташкил қилган.

Алий Сафийнинг мазкур асари, яъни «Туҳфа-и Хоний. Кошифий» ижодкорнинг ўз отасидек кўплаб илмларга ҳарисманд, юксак заковат эгаси бўлганига далолат қилади. Тибб, муҳораба, муҳофаза ва бошқа кўплаб соҳаларга тааллуқли ажойиб маълумотларни, тажрибаларни, уларнинг натижалари баёнини ўз ичига олган мазкур ноёб асар келгусида таржима қилиниб, нашр этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг «Туҳфа-и Хоний. Кошифий», янги топилган барча асари сифатида, албатта, илмий-оммабоп шаклда бўлса-да, албатта, нашр бўлади, деган умиддамиз.

2. *«Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий».* Ҳирот шоирлари шеърлари асосида тузилган «Баёзлар тўплами»ни ўзганиш асносида Фахруддин Алий Сафий қаламига мансуб бир ғазалга дуч келинди [8].

№ 1023 инв. рақам остида сақланаётган «Мажмуъа-и баёз»нинг 140 а – 140 б варақ ҳошиясида «Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий» (غزل مولانا فخر الدین علي متلخص بالصفي) сарлавҳаси остида шоирнинг ғазали келтирилган бўлиб, мазкур ғазал қуйидаги мисралар билан бошланган:

الهی در دیار محنتم حشمت پناهی ده

ز درد داغ عشقم تاج تخت پادشاهی ده

Илоҳо, дар диёр-и меҳнатам ҳашмат паноҳе деҳ,

Зи дарду доғ-и ишқам тож-у тахт подишоҳе деҳ!..

(*Мазмуни:* Илоҳо, тириклик диёримда менга улуғвор омонлик ато қил,

Дардманд дилимдан доғланган ишқимга тож-у тахт, султонлик ато қил!..)

Ушбу ғазал Алий Сафийнинг «Девон»идан олинганлиги аниқ. Ўз даврининг улкан ижодкорлари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий Алий Сафийнинг назмдаги истеъдодини унинг ижодидан намуналар келтирган ҳолда эътироф этишган.

Алоуддавла Қазвиний ҳам «Нафойис ал-маъосир» (نفائس المعاثر) асарида Алий Сафийни «Фахрий» тахаллуси билан шеърлар битгани ва машҳур бўлгани ҳақида маълумот берган.[1] Шу ва бошқа маълумотларга, масалан, «Рашаҳот», «Латойиф» ва бошқа асарларидаги Алий Сафий қаламига тегишли бўлган юзга яқин турли жанрлардаги манзумаларига асосланган ҳолда ижодкор «Девон» тузган бўлиши керак, деган тахминимиз бор. Зеро, Алишер Навоий «Мажолису-н-нафоис» асарида Алий Сафийни ўз даври Ҳирот адабий муҳитининг истеъдодли шоири сифатида таърифлаган.

Галдаги муҳим вазифа Алий Сафийнинг «Девон»ини топишдан иборат бўлмоқда.

Хулоса. Алий Сафий асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари қадимийлиги, матнларининг тўлиқ экани билан замонавий илмий нашрлардан фарқ қилади. Литографик ва тошбосма нашрларнинг матнларида ҳам кўп жойларида хатолар, чалкашликлар учрайди. Ижрдкор асарларининг Тошкент қўлёзма нусхалари мана шу жиҳатдан ғоят катта илмий аҳамиятга эгадир.

Фахруддин Алий Сафий ўзидан бой илмий-адабий мерос қолдирди. Унинг асарлари ўзига хос услубда, маҳорат билан ёзилгани учун ҳам асарлари юзлаб нусхада китобат қилинган. Ижодкорнинг эътиқодий, ахлоқий, тасаввуфий-ирфоний қарашлари чуқур акс этган меросини чуқур тадқиқ этиш матншунослик ва адабий манбашунослик йўналишида муҳим илмий тадқиқот вазифаларидан бири ҳисобланади.

Резюме. Мақолада ўтмишда яшаб, ўзидан баракали илмий ва адабий мерос қолдирган нодир шахсиятлардан бири Фахруддин Алий Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий (ваф. 939/1533), ижодкорнинг янги топилган асарлари - «Туҳфату-л-Хоний. Ал-Кошифий» («Подшоҳ Хонийга туҳфа. Ал-Кошифий»), «Ғазал-и Мавлоно Фахруддин Алий мутахаллас ба-Сафий» ҳақида сўз боради. Адиб, олим ва шоир сифатида ижод қилган Фахруддин Алий Сафийнинг ижоди дунёвий ва диний илмларнинг турли соҳаларини қамраб олганлиги билан аҳамиятли. Ижодкор асарларида аждодларимиз илмий мероси орқали юксак фазилатларга эга бўлган инсонни тарбиялаш, ёшларни динимиз асослари орқали соғлом тафаккур ва пок ахлоққа тарғиб қилиш ғоялари юксак мазмунда ўз ифодасини топган.

Resume. Mawlana Fakhruddin Ali Safi bin Husayn Waiz Koshifi (d. 939/1533), one of the rare personalities who lived in the past and left behind a blessed scientific and literary legacy. This article provides information about two recently discovered new works - «Sharh-i Masnavi» («Commentary on Rumi's «Masnaviy»),

[1] 8. ЎзР ФА ШИ, «Нафойису-л-маъосир». Қўлёзма № 800.350-b.

«Tuhfatu-l-Xaniy. Ал-Koshifi» («A gift for King Hani. Ал-Koshifi»), and one poem (ghazal) by Fakhruddin Ali Safi Khiravi. Based on the recently discovered ghazal of Ali Safi, rubai and poems in the Rashahat, the researcher came to the firm conclusion that this artist could have had a Devon (Collection of ghazals). In his article, the researcher also examines in detail the manuscripts of Ali Safi's works in the Tashkent manuscript collections.

Резюме. Мавляна Фахруддин Али Сафи бин Хусейн Ваиз Кошифи (ум. 939/1533), одной из редких личностей, живших в прошлом и оставивших после себя благословенное научное и литературное наследие. В данной статье представлена информация о двух недавно обнаруженных новых произведениях - «Шарх-и Месневи-и Руми», «Тухфату-ль-Хани. Ал-Кашифи», и одном стихотворении (газель) Фахруддина Али Сафи Хирави. На основании недавно обнаруженной этой газели Али Сафи, рубаи и стихов в «Рашахат»е исследователь пришел к твердому выводу, что у этого художника мог быть «Девон» (Сборник газелей). В своей статье исследователь также подробно рассматривает рукописи произведений Али Сафи в ташкентских рукописных собраниях.